

1-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА “ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ” ТОПШИРИЛДИ

Бугун эрта тонгдан мамлакатимизнинг барча худудларида бўлгани каби Фарғона вилоятидаги таълим масканларида ҳам “Биринчи қўнғироқ” тадбирлари бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона шаҳридаги Экошаҳарда барпо этилган 46-мактабда бўлиб, 1-синф ўқувчиларига “Президент совғалари”ни топширди. Мактабда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Мазкур мактаб 1000 ўринга мўлжалланган бўлиб, 21 млрд.сўм маблағ сарфланди. Мактабда 40 нафар устозлар 563 нафар ўқувчиларга таълим бермоқда.

Маълумот ўрнида, вилоятимиздаги 1072 та умумтаълим мактабларида (шундан 85 та хусусий) қарийб 700 минг нафар ўқувчилар таълим олмоқда. Бу йил вилоятдаги таълим муассасалари 1-синфига 72 минг 836 нафар, шундан 3 минг нафарга яқин бола нодавлат таълим муассасаларига қабул қилинди. Барча 1-синф ўқувчиларига 12 хил номдаги “Президент совғалари” бутун вилоят бўйлаб тарқатилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг

[Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-09-04 13:25:11